2009 ЙИЛ, 16 ЯНВАРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (11.322)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар





ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШИТ» ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗИГА ЯРАША НУФУЗИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, ЖАМОАДА ЙИЛДАН ЙИЛГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТИБ БОРАЁТГАНЛИГИ, БУ ЕРДА ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРЛАР САФИ КЕНГАЙГАНИ БУНИНГ ЯҚҚОЛ ИСБОТИДИР.

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Халқаро ҳамкорлик марказида Япониянинг беғараз кўмаги доирасида кичик ҳажмдаги ижтимоий лойиҳалар бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига бағишланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** касаба уюшмалари федерациялари кенгаши нашри «Ишонч» ва «Доверие» газеталари ташаббуси билан ёшлар ўртасида ўтган йили эълон қилинган «Мен ёшликман» ва «Эътироф» кўрик-танловларининг ғолиблари тақдирланди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманида туман фаоллари иштирокида 2008 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайловида оқсоқолликка сайланганларга гувоҳнома топшириш маросими бўлиб ўтди.

● **САЛОМАТЛИК** ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан 173-мактабда «йод танқислиги натижасида юзага келадиган бўқоқ хасталигининг олдини олиш, грипп вируси тарқалишига қарши кураш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар ва шифокорлар иштирок этишди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*Иқтисодиёт*

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Шунинг баробарида маҳсулотнинг рақобатбардош турлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда, ўнлаб қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда. Ишчи-хизматчиларга яратилган қулай шарт-шароитлар эса меҳнат унумдорлиги ортишида, ҳар бир маҳсулот сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Режа асосида ҳамкорлар томонидан киритилган инвестициялар ҳисобига янги цехларнинг ишга туширилиши, юксак унумли хорижий технологик линия ҳамда дастгоҳларнинг келтириб ўрнатилиши тайёрланаётган маҳсулот рақобатбардошлигини оширмоқда. Натижада экспорт ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Ўтган — 2008 йил корхона аҳли учун муваффақиятлар йили бўлди, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Чунки тадбиркор жамоанинг саъй-ҳаракатлари, изланишлари, бозор иқтисодиёти талабларини тўла англаган ҳолда меҳнат қилишлари юксак самара берди. Улар режадагидан анча ортиқ — 42 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли товарларини тайёрлашга эришдилар. Бу 2007 йил якунлари билан солиштирилганда ўсиш суръати 226 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Ўтган йил давомида белгиланган бизнес-режага кўра янги юқори вольтли бутловчи ускуна ва аппаратуралар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Йилнинг иккинчи ярмида корхонада зарур халқ истеъмоли товари — замонавий моделдаги янги тур маиший дазмол тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Россия давлатининг «Группа компаний-«Электрошит-ТМ-Самара» компанияси электр жиҳозлари тайёрлаш бўйича дунёда ўз ўрнига эгадир. Компания таркибига кирувчи пойтахтимиздаги корхонада тайёрланган юқори ва паст вольтли электр ускуналари, халқ истеъмоли моллари фақатгина ички бозорни таъминлабгина қолмай, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан қўшни республикаларга ҳам экспорт қилинаётганини эътиборлидир. Ўтган йилдан бошлаб эса қўшма корхона маҳсулотларига четдан харидорлар янада кўпайди. Буни ишлаб чиқараётган товарларнинг Афғонистон, Мўғулистон, Индонезия, Куба ва бошқа узоқ ҳамда яқин хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани исботлаб турибди.

Маҳсулотнинг бугунги кун талабига, халқаро стандартларга жавоб беришида, албатта корхона изланувчан мутахассисларининг, шу жумладан конструкторлик ва технологик бўлим ходимларининг ўзига хос ҳиссаси бор. Улар ишлаб чиқаришга янги ишланмаларни тақдим этишда, талаблар даражасида технологик линиялар қўллашда, мавжудларини модернизация қилишда фаоллик кўрсатишади. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари ортишида катта аҳамиятга эгадир.

Корхонада, албатта, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, кадрлар малакасини оширишга ҳам эътибор билан ёндашилади. Ҳозирда жамоада 800 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, жорий йилда уларнинг сафини янада кенгайтириб 1000 нафарга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, россиялик ҳамкорлар яқин кунларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун яна бир замонавий юқори унумли қўшимча линияни ишга туширишни режалаштирмоқда. Негаки буюртмалар сони ҳам ортиб бормоқда. Шунингдек, Янги йилда тадбиркорлар экспорт ҳажмини 2 баробардан зиёдга оширишни ҳам кўзда тутмоқда.

«Халқимизда «Излаган имкон топади» деган ажойиб нақл бор. «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» жамоаси ҳам ана шундайлар сирасидан бўлиб, ишонамизки жорий йилда ҳам уларнинг изланишлари янада юксак самара беради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхонада янги-янги рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш борасида барча бирдай масъулликни ҳис этади.**

*Қарор ва ижро*

## ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШИДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ БИЛАН БИРГА БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. АЙНИ ВАҚТДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЖАДАЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТИР. БУНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.**

"Ғаллабанк" акциядорлик-тижорат банки мазкур хизмат турини аҳоли орасида оммалаштириш, пластик карточкалардан фойдаланувчилар сафини кенгайтириш мақсадида турли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Пластик карточкалар ва терминаллар орқали аҳоли, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ҳисоб-китоб ишлари изчил йўлга қўйилган. Натижада бугунги кунгача банк филиаллари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 85 минг донага етди.

Банкнинг матбуот хизматидан маълум қилишларича, замонавий хизмат турларини кенгайтириш учун пластик карточкалар ва улар орқали амалга ошириладиган операциялар ҳажмини янада кенгайтириш чоралари кўрилаётир. 2008 йилда жисмоний ва юридик шахсларга қарийб етти минг дона пластик карточка тарқатилди. Уларнинг асосий қисми иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилгани эътиборга моликдир.

Пластик карточкалар орқали пул айланмасини яхшилаш учун ўрнатилган 1200га яқин терминал мижозларга самарали хизмат кўрсатаётир. Банк терминаллари орқали амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми 2008 йили 2,5 баробар кўпайди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ, СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИНИНГ С.РАЖАРАТНАМ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР МАКТАБИ, СИНГАПУР СИЁСИЙ ЗЎРАВОНЛИК ВА ТЕРРОРИЗМНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ва банк муассасалари ходимлари иштирок этган анжуманда терроризм глобал миқёсдаги муаммолардан бирига айлангани ва унга қарши курашиш халқаро муносабатлардаги энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Конференцияда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур ҳужжатларда терроризмга трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг энг хавфли тури сифатида ёндошилиб, унинг барча кўринишларининг олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган механизм ва чоралар кўзда тутилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида терроризмга қарши курашувчи махсус бўлинмалар самарали фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз парламенти томонидан терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қатор халқаро конвенциялар ратификация қилинган.

Анжуманда терроризмнинг пайдо бўлиш тарихи, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган террористик гуруҳлар, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Ражаратнам номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш маркази олимларининг терроризмга қарши курашиш, уни молиялаштиришнинг олдини олиш борасидаги асосий тамойил ва йўналишлар хусусидаги маърузалари тингланди.

**(ЎзА)**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг бир қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари байрами кенг нишонланаётган шу кунларда Навоий вилояти ҳудудида ҳарбий хизматни ўтаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уй калитлари топширилди.**

**● Наманганда январь ойининг иккинчи ва февралнинг биринчи ярми «Маънавият ва маърифат ойлиги» деб эълон қилинди. Ойлик давомида маънавий-маърифий ишларни янада юқори босқичга кўтариш юзасидан жойларда қатор хайрли ишлар амалга оширилади.**

**● Республикада мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Солиқ билимлари — болаларга» республика кўрик-танлови бошланди. Ўқувчиларнинг солиқ саводхонлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур танлов Республика Давлат Солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Танловнинг республика босқичи 30 январдан 10 февралга қадар бўлиб ўтади.**

**● Норин туманининг Қўрғонтепа қишлоғида «Ҳаққ-Текс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли тўқув ва тикув цехининг иш бошлаши натижасида 60 нафар ёшлар муқим иш жойларига эга бўлишди.**

**● Наманганда «Келажак овози» танлови ва «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида ғолиб бўлган наманганлик ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

**● Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида 2009 йилги мамлакат кубоги ва олий лига мусобақалари учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Олий лиганинг дастлабки тур учрашувларига 1 март куни старт берилади.**

**● Когон туманидаги Ўбачўли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ёби қишлоғи аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерга қувурлар тортилиб, аҳоли хонадонлари тоза ичимлик суви билан таъминланди.**

**● «Қўқон механика заводи» акциядорлик жамияти маҳсулотларига талаб-эҳтиёж тобора ошмоқда. Ҳозир бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури асосида 50 дан ортиқ турдаги ностандарт асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар чиқарилмоқда. Яқинда корхонада чўян эритиш бўйича цех ишга туширилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Никита Белих Россия Федерацияси Киров областининг губернатори сифатида ўз фаолиятини бошлади. Қизиғи шундаки, Белих 33 ёшда бўлиб, Россиядаги энг ёш губернатор ҳисобланади.**

**● 21 январда Косово ўз армиясига эга бўлади. НАТО ахборотига таянган ҳолда бу тўғрида жаҳон ахборот агентликлари хабар беришди. Айни пайтда Косово хавфсизлигини асосан собиқ албан исёнчиларидан ташкил топган ярим ҳарбий ташкилот таъминлаяпти. 21 январдан эса бу ташкилотнинг ўрнини Косово Хавфсизлик кучлари эгаллайди. Хавфсизлик кучлари аскарларини НАТО мутахассислари тайёрлади.**

**● Кеча Исроилнинг зирҳли танклардан иборат армияси Ғазо сектори маркази ҳисобланмиш Ғазо шаҳрига кириб бориб, бу ердаги БМТнинг ваколатхонаси ҳамда Қизил Ярим Ой ташкилотига тегишли госпитални ўққа тутдилар. Натижада бир неча киши яраланди. Худди шу вақтда Исроилда бўлган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун исроилликларнинг мазкур хатти-ҳаракатларини кескин қоралади.**

**● Зимбабведа вабо билан касалланганлар сони рекорд кўрсаткич — қирқ мингга етди. Оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, ушбу юқумли касаллик оқибатида икки мингга яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Мамлакатнинг ўндан зиёд вилояти касаллик ўчоғига айланган.**

**● АҚШда анъанавий «Детройт» автосалонининг кўргазма-савдоси ўз ишини бошлади. Бу галги автосалонда асосан тежамкор ва экологик тоза автотранспорт намойиш этилмоқда. Экспертларнинг сўзларига кўра, жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз туфайли дабдабали автомобилларга эмас, балки ёқилғи тежайдиган ва арзон машиналарга талаб ошмоқда. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Женерал моторс», «Форд» каби кўплаб компаниялар 2010 йилда янги русумдаги ана шундай автомобилларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида.**

**● Франция ҳукумати мамлакат музейларига бепул кириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 18-25 ёшли йигит-қизлар Франциядаги элликта йирик музей ва кўплаб тарихий обидаларни бепул зиёрат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.**

**● Германия пойтахти Берлинда “Яшил ҳафталик” халқаро агросаноат кўргазмаси очилди. Унда олтмишга яқин мамлакатдан бир минг олти юздан зиёд фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Кўргазмада қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик маҳсулотлари намойиш этилаётир.**

# «СЕКАЙ НИППО» ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ ҲАМКОРЛИГИ ҲАҚИДА

**ЯПОНИЯДА НАШР ЭТИЛАДИГАН ҲАФТАЛИК «СЕКАЙ НИППО» ГАЗЕТАСИНИНГ ЯНГИ ЙИЛДАГИ ИЛК СОНИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУГУНГИ ҲАЁТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ ҲАМКОРЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

Мақолада 17 йил мобайнида Ўзбекистон томонидан босиб ўтилган мустақил тараққиёт йўли ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этиш, мамлакат барқарорлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар йўлининг тўғри танланганидан далолат бериши таъкидлэнади.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш борасида амалга оширилган ишлар эътироф этилар экан, ўқувчилар эътибори мамлакатда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, «Хабеас корпус» ҳуқуқий институтининг фаолият юритиши, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг кучга киритилганига қаратилади. Шунингдек, 2008 йил Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги ва бунга бағишлаб махсус давлат дастури қабул қилинганлиги ва муваффақиятли амалга оширилгани ҳақида маълумот берилади.

«Секай Ниппо» газетаси мустақиллик йилларида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиш динамикаси 2002 йилда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Декларация»га мувофиқ тарзда барқарор давом этганини қайд этади.

Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорларидан бири бўлган Япония мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда Японияннинг JICA ва JETRO агентликлари ваколатхоналари, шунингдек, йигирма иккита йирик компаниялари фаолият юритади.

Ўзбекистонда машинасозлик, енгил саноат, ички ва ташқи савдо, транспорт хизмати кўрсатиш ва сайёҳлик соҳалари бўйича 10 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қўшма лойиҳаларнинг самараси сифатида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган «Isuzu» маркали автобуслар, юк машиналари, юк кўтарувчи кранларини айтиб ўтиш мумкин.

2008 йил июль ойида Япония молия вазири жаноб Фукуширо Нукаганинг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштириш, мамлакатдаги қурилиш лойиҳалари ва саноат корхоналарини модернизация қилиш жараёнида Япония компанияларининг иштирокини фаоллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

2008 йил август ойида Тошкентда «Либераллаштириш, сармояларни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш» тўғрисидаги Ҳукуматлараро битим имзоланиши икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилганидан далолатдир. Япония томони Ўзбекистон билан имзоланган ушбу битимга муҳим аҳамият беради.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида Японияннинг бир қатор дўстлик жамият ва уюшмалари қизғин фаолият юритмоқда. Ўтган йилда янги «Датэ-Ўзбекистон» уюшмасининг ташкил этилгани ва япон жамоатчилигига ўзбек маданияти ва санъатининг турли кўргазма ва тақдимот маросимлари орқали намойиш этиб келаётган «Япония — Ўзбекистон» дўстлик уюшмасининг ташкил топганига 10 йил тўлаётганини мисол сифатида келтириш мумкин.

«Секай Ниппо» газетхонларга Тошкентдаги «Ўзбекистон — Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази», «Буюк Ипак йўли маданиятлари карвон саройи» илмий-ижодий маркази, шунингдек, Токиода 2006 йилда очилган «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармасининг ваколатхонаси фаолияти ҳақида маълумот берган.

**«Жаҳон» АА, Токио**





*Танловлар*

## НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

**КУНИ КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ҲАМДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ТАШКИЛ ТОПГАНИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ. БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ, ТАНЛОВЛАР, ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ КЕЧАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Жумладан, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида Маънавият тарғибот маркази, хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлимлари ҳамкорлигида ҳарбийлар оилалари ўртасида «Намунали ҳарбий оила» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда ҳарбий ўқув юрти курсантлари, офицерлар, ўқитувчи ва талабалар,маҳалла фаоллари иштирок этдилар.



Тадбирда мамлакатимиз Президенти И.Каримов раҳнамолигида ёшларни, жумладан, ёш ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган мазкур танловдан кўзланган мақсад ҳам ҳарбий оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли соҳалардаги билим ва маҳоратларини ошириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат, — дейди Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова. — Танлов иштирокчилари танишув, савол-жавоблар, пазандачилик, эркин мавзу сингари шартлар бўйича ўзаро беллашиб, ўз билим ва малакаларини намоён этдилар.

Қизиқарли ўтган танлов сўнгида ғолиблар номинациялар бўйича муносиб тақдирландилар. «Энг зукко оила» номинациясига — Д.Жаксимов, «Энг аҳил оила» номинациясига — А.Абдуғаниев, «Энг билимдон ҳамкасаба» номинациясига — Ш.Эргашева, «Энг доно ҳамкасаба» номинациясига — З.Нишоновлар оилалари сазовор бўлдилар. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар**

## АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ КУЧГА КИРГАН ВА У ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИ ЗИММАСИГА 2009 ЙИЛНИНГ 22 ЯНВАРИГАЧА ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ПАЙТИДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲАЁТИ, СОҒЛИҒИ ВА (ЁКИ) МУЛКИГА ЗАРАР КЕЛТИРГАНЛИГИ УЧУН ЎЗИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИНИ ЮКЛАЙДИ.**

«Paynet» компанияси ушбу қонун бўйича суғурта тўловларини дастлаб пойтахтимизда қабул қилган бўлса, энди бундай хизматни вилоятларда ҳам кўрсатмоқда. "Alfa Invest" суғурта компанияси унинг ҳамкори ҳисобланади ва у билан бу борада тегишли шартнома тузилган. "Paynet" компанияси Ўзбекистон бўйича кенг кўламли дилерлик тармоғига эга бўлиб, унинг 15 мингдан ортиқ шохобчаси реал вақт режимида аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Мижозларга қулай бўлиши учун суғурта ҳужжатини мустақил тўлдириш имконияти яратилди. Бунинг учун www.paynet.uz сайтига кириш ва махсус маълумотлардан фойдаланиш керак. Барча расмийлаштириш ишларини шу ернинг ўзида амалга ошириш, компания агентидан ҳужжат ва тўлов бўйича маълумотларни киритишни илтимос қилиш мумкин. Автомобиль эгаси ёки унинг ишончли вакили суғуртани расмийлаштириш, суғурта полиси ва махсус давлат белгисини олиш учун зарур ҳужжатларни топшириши даркор. Ушбу суғурта полиси ва давлат белгиси фавкулодда ҳолатларда ҳимоя кафолатига айланади.

Транспорт воситаси эгаси суғурта хизмати бўйича «Paynet» компанияси билан шартнома тузган ҳар қандай шохобчага мурожаат қилиши мумкин.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## БУГУНГИ ЎҚУВЧИ — ЭРТАГА ВАТАН ҲИМОЯЧИСИ

**ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИДА «МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ» МАВЗУИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. «ALFA-TRENING» ҲАРБИЙ-СПОРТ ЎҚУВ ИНТЕРНАТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ, ҲАРБИЙЛАР ВА ЎҚУВЧИ ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Тадбирда таъкидланганидек, навқирон авлодни миллий армиямиз сафида хизмат қилишга тайёрлаш, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камолга етказиш борасида давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим масканлари ҳамкорлигида самарали иш олиб борилаётир.

«Alfa-trening» ҳарбий-спорт ўқув интернатида ҳам бир ярим минг нафардан зиёд ўғил-қизларга умумтаълим фанлари билан бир қаторда ҳарбий йўналиш ҳам чуқур ўргатилмоқда.

Пойтахтимиздаги 58-ихтисослашган ҳарбий-спорт мактаби ўқувчилари намойиш этган театрлаштирилган мусиқали композиция, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг куй ва қўшиқлари, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги шеърлар тадбирга кўтаринкилик бахш этди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ШТУРМ» ҲАРБИЙ САНЪАТ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ 161 ВА 153-МАКТАБЛАР ЎҚУВЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА ИККИ КУН ДАВОМИДА «ШУНҚОРЛАР» МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ.**

*Тадбирлар*

## ШУНҚОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

Мусобақада ҳар иккала мактаб ўқувчиларидан тузилган еттита жамоа иштирок этиб, ҳарбий йўналиш бўйича беллашдилар. Улар сафда юриш, қўшиқ айтиш, турникда тортилиш ва бошқа шартлар бўйича ўз куч-маҳоратларини намойиш этдилар.

Тадбир сўнгида учта ғолиб команда аниқланиб, уларга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Назокат ДАДАЖОНОВА,**
**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши «Ёшлар» маркази координатори**

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

**МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАР ҚАТОРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ҲАМ ЎЗ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАВЖУД ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ЖИҲОЗЛАШ, ШУНИНГДЕК, УЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ҲАМ ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА.**

Тиббиёт муассасаларининг энг замонавий ускуналар билан жиҳозланаётгани, ташхис қўйиш, даволаш профилактика тадбирлари ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиёти жараёнлари кутилган самарани кўрсатмоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва Ортопедия илмий текшириш институтида ҳам касалликка тўғри ташхис қўйиш, даволашнинг самарали усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тана жароҳатлари ва касалликларни даволашга ихтисослашган мазкур йирик илмий даволаш муассасасида таянч ҳаракат тизими, умуртқа ҳамда бўғимларда учрайдиган турли хасталик ва жароҳатлар даволанади.

Айтиш мумкинки, институтда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш ишларига алоҳида эътибор берилаётир. Жумладан, спорт жароҳатлари бўлимида ўрнатилган атраскопия аппарати ёрдамида ҳам касалликка ташхис қўйиш, ҳам жарроҳлик амалиётини қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, институтда бир қатор илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқдаки, натижада травматология ва ортопедия соҳасида энг янги ютуқларни уйғунлаштирган ҳолда даволаш муолажаларини олиб боришга имкон яратилмоқда. Бундай изланишлар табиийки, энг аввало аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

*Иқтисодиёт*

## ТАКРОРЛАНМАС МАҲСУЛОТЛАР

**ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИККА ОЧИЛГАН КЕНГ ЙЎЛ ҚАЛБИДА МЕҲНАТ ИШТИЁҚИ ЖЎШ УРГАН ИНСОНЛАРНИ ЯНАДА РУҲЛАНТИРАДИ ВА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА УНДАЙДИ. АЛБАТТА, БУНДА ЎЙЛАНГАН ПУХТА РЕЖА, КЕЛГУСИ МУВАФФАҚИЯТИГА ИШОНЧ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

Пойабзалчилик ҳунари сирларини пухта эгаллаган, кўплаб йиллар театр-тажриба комбинатида меҳнат қилган Аҳмаджон Зияев ҳам тадбиркорликка қўл урди. Хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаб, бир нечта шогирдларни тарбиялади, уларга касб сирларини ўргатиб маҳоратини оширишга муваффақ бўлди. Натижаси эса бугунги кунда самарали бўлмоқда. Устанинг шогирдлари ёрдамида тайёрланган саҳна пойабзаллари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хом ашё танлашда, маҳсулотнинг эскизини яратишда уста, аввало сифатга, харидор талабига эътибор қаратади. Тадбиркор уста республикамиздаги театр жамоалари, бадиий рақс дасталари, ижодий гуруҳлар ҳамда таниқли хонандаларнинг буюртмаларини бекаму кўст, тез ва сифатли адо этади. Саҳна томошалари, концертлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда устки либосларга мос оёқ кийимлари яратади.

— Саҳна пойабзалларини тикишда Россияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлардан самарали фойдаланамиз, — дейди Аҳмаджон Зияев. — Айниқса, юртимизда нишонланадиган Наврўзи олам, Мустақиллик байрамларида иштирок этувчи санъат аҳлига ўзига хос пойабзаллар тайёрлаб берамиз. Театрларнинг тарихий асарларидаги актёрларга пойабзал тайёрлаш учун аввало ўша даврни ўрганган ҳолда эскизлар яратамиз. Уларни тайёрлашда миллий урф-одат ҳамда анъаналаримизга таянамиз.

Шуниси эътиборлики, хусусий тадбиркор уста тайёрлаётган маҳсулотлар бир-бирини такрорламайди. Шу боис ҳам уларнинг ҳар бири ўзига хос меҳнат ва маҳоратни талаб этади. Жорий йилда уста янги технологияларни қўллаган ҳолда янада кўркам саҳна пойабзаллари яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш йўлида изланиш ниятидадир.

## МАҲОРАТЛАРИ АКС ЭТМОҚДА

**ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ УЧУН БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТИНМАЙ ИЗЛАНИШ, ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ.**

Пойтахтимизда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган ва ички ҳамда ташқи бозорда маҳсулотлари эътироф этилаётган «Совпластитал» қўшма корхонасининг изланувчан жамоаси бунга эришмоқда. Бу ерда ҳафта сайин, кун сайин янги маҳсулот турлари яратилиб, харидорларга тортиқ этилмоқда. Бу борада моҳир дизайнерларнинг ҳиссаси катта бўлиб, уларнинг бор маҳорати, изланишлари барча яратилаётган маҳсулот турларида мужассам бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Совпластитал»чилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар фақатгина ички бозорда эмас, балки хориж давлатларида ҳам аллақачон харидорларини топган. Айниқса, турли халқаро ярмаркаларда эътирофлар, муваффақиятлар салмоқли бўлиб, уларни жаҳонга танитмоқда, фойдали шартномалар имзоланмоқда.

Корхонада ҳозирда асосан маҳаллий хом ашё қўлланилмоқда. Асосий цехларда ҳамда корхонанинг шўъба корхоналарида ишлаб чиқарилаётган чинни, сопол, пластмасса маҳсулотлари тури 8 минг хилдан ортиб кетди. Улар нафақат хонадонларда, балки бунёдкорликда, ободонлаштиришда ҳам қўл келади. Турли хил ўриндиқлар, стол-стуллар, ахлат қутилар, безагу ўйинчоқлар, рўзғор ашёлари, эсдалик совғалари, ранг-баранг гуллар, халқ истеъмоли молларининг кўплаб турлари ана шулар жумласидандир.

Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида корхонанинг пойтахтимиз ва республикамиз вилоятларида фирма дўконлари мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда тадбиркорлар маҳсулот турларини янада кўпайтиришни режалашган ва йил бошидан бу борадаги саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

## УСТОЗЛАР ЎГИТИ АСОСИДА

**ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИДА, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЭЪЗОЗЛАБ, ШАРҚОНА УРФ-ОДАТ ҲАМДА АНЪАНАЛАРИМИЗНИНГ БАРҲАЁТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА УСТОЗ-ШОГИРД ЙЎНАЛИШИНИНГ ЎРНИ КАТТА.**

Чунки ҳунар сирлари, нозик жиҳатлари устоз ўгит ва кўрсатмалари асосида шогирдга сингдирилади. Бугунги кунда миллий ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги йўналишида ўзига хос муваффақиятларга эришаётган Саидазим Рашидов ана шундай иқтидорли шогирдлар сирасига киради. У ўтган йилги изланишлари самарасидан мамнун бўлса арзийди. Саидазим Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2008» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида ғолиб топилиб, «Энг яхши ҳунарманд» номига эришди.

— Бунинг учун устозим, маҳоратли ёғоч ўймакори Акмал Азларовдан бениҳоя мамнунман, — дейди Саидазим фахр билан. — Уларнинг маслаҳат ва кўрсатмалари менга катта ёрдам бермоқда ва ҳар бир буюмни тайёрлашда устоз ўгитига амал қиламан. Мен ёғоч ўймакорлигининг Тошкент йўналишини ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаяпман.

Саидазим Рашидов тайёрлаган ҳар бир маҳсулотда унинг ижодий изланишлари, саъй-ҳаракатлари сезилиб туради. Жорий йилда ҳам ёш ёғоч ўймакори янги маҳсулотлар тайёрлаш учун эскизлар устида ишламоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

